

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 338.24 (41.312)*

**МУҲАММАДИЕВ ДИЛМУРОД АБДУЛҲАКИМ ЎҒЛИ**

**Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фоолиятини кўллаб-  
қувватлашда тижорат банклари кредитларидан самарали  
фойдаланиш**

5A230102-“Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
бўйича

**Магистр**  
**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.С.Хотамов**

**ТОШКЕНТ-2020**

Ушбу магистрлик диссертация ишида кўп тармокли фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни ташкил этилиш билан боғлиқ муҳим жиҳатлар, кўп тармокли фермер хўжаликлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, шунингдек кўп тармокли фермер хўжаликлари фаолияти ривожига узвий хизмат қилувчи тижорат банклари фаолияти талқини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнида тижорат банклари ҳамда кишлок хўжалиги соҳасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини ошириш йўли ёритиб берилган. Диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, унда умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаммони чуқур ўрганишга бағишланган, уларни келгусида тижорат банклари ва кўп тармокли фермер хўжаликлари фаолиятлари узвий самарадорлигини ошириш истикболлари бўйича аҳамиятга молик хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

In this master's dissertation the peculiarities of the organization of diversified farms, important aspects of its organization, the regulatory framework of diversified farms, as well as theoretical and practical interpretation of the activities of commercial banks that are integral to the development of diversified farms studied in terms of In the process of development of market relations, the ways to increase the efficiency of cooperation between commercial banks and agriculture are highlighted. The scientific and practical significance of the results of the dissertation is that it summarizes the theoretical conclusions and practical recommendations for in-depth study of the problem, which develops important conclusions and recommendations for future prospects for improving the efficiency of commercial banks and diversified farms.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 08 - сонли баённома «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н, доцент Хотамов И.С.

Такризчи: \_\_\_\_\_

Магистр: Д.А.Мухаммадиев

“Ҳимояга рухсат этилди”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri доц. И.Хотамов \_\_\_\_\_

“11” “06” 2020 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 2020 йил 23

06 соат “11” да бўлади.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>4</b>
<b>I-боб. Республикада кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этилишининг зарурияти ва аҳамияти</b> .....	<b>10</b>
1.1. Кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг назарий асослари.....	10
1.2. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий-молиявий механизмлари.....	19
1.3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	28
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	32
<b>II-боб. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлашда Жиззах вилояти тижорат банклари фаолияти таҳлили</b> .....	<b>34</b>
2.1. Жиззах вилоятида иқтисодий ислоҳотлар ва қишлоқ хўжалиги ривожини.....	34
2.2. Жиззах вилоятида фермер хўжаликлари фаолиятини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг ҳозирги ҳолати.....	48
2.3. Чет эл кредит линиялари ҳисобидан кўп тармоқли фермер хўжаликларини кредитлаш таҳлили.....	57
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	64
<b>III-боб. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлашни самарали ташкил этиш йўллари</b> .....	<b>66</b>
3.1. Тижорат банкларининг кўп тармоқли фермер хўжаликларига банк кредитлари ажратишидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари.....	66
3.2. Тижорат банклари томонидан кўп тармоқли фермер хўжалигини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари.....	72
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	78
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	<b>79</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>83</b>

## КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Республикамизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган корхоналарда иқтисодий самарадорликни таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар кўп жиҳатдан юртимиз аҳолисининг аксарият қисми яшайдиган қишлоқларимизни обод ва фаровон этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Бевосита қишлоқ жойларда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда кўп тармоқли фермер хўжалигининг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун бу борада мамлакатимизда ҳам ҳукуратимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2017–2020 йилларга мўлжалланган “Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишни босқичма-босқич қисқартириш режалаштирилмоқда. Ҳал қилувчи вазифа ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулотни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш инфратузилмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Асосий вазифаларимиздан яна бири қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришдан иборат. Бу ишларни амалга оширган тақдирдагина биз кафолатланган барқарор ҳосилдорликни, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни ва энг муҳими, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашни таъминлай оламиз. Бу мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам